БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 73 (17.066). ● 30 март 1978 йил, пайшанба ● Баҳоси 2 тийин.

ЛЕКТОР — ҒОЯВИЙ КУРАШЧИ

КПСС XXV съезди томонидан белгиланган коммунистик қурилиш программасини муваффақиятли бажариш учун қурашда партиямиз совет кишиларининг ғоявий-маънавий ҳаётини янада бойитишга, билими ва маданий даражасини оширишга, сиёсий ва меҳнат активлигини ошириш борасида алоҳида эътибор бермоқда. Янги кишини камол топтириш, барча меҳнаткашларни тараққиётимизнинг энг тўғри ва синалган компаси бўлмиш марксизм-ленинизм ғоялари билан қуроллантириш идеология соҳасидаги ишларимизнинг ўзагидир. Ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг бугунги палласида, кенг кўламда белгиланган истиқбол режаларимизда халқнинг маънавий эҳтиёжларини қондиришнинг муҳим ва самарали бўғинларидан, ҳаётий зарур формаларидан бири лекция пропагандасидир.

Лекция пропагандаси совет кишиларининг илмий дунёқарашини, актив ҳаётий позициясини, юксак ғоявий-сиёсий ва маънавий фазилатларини шакллантиришнинг таъсирчан омили бўлиб қолди. Меҳнаткашларни КПСС XXV съезди, партия Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорларини бажаришга, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини оширишга сафарбар қилишда унинг роли катта.

Марксча-ленинча назарияни пропаганда қилиш, партия ички ва ташқи сиёсатини, СССР янги Конституциясини, илмий коммунизмнинг ўртоқ Л. И. Брежнев ва партия бошқа раҳбарларининг асарларида ишлаб чиқилган актуал проблемаларини пропаганда қилиш лекция ишида асосий ўринни эгаллайди.

Яқинда КПСС Марказий Комитети «Лекция пропагандасининг аҳволи ва уни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Ҳозирги вақтда омма орасида идеология соҳасида олиб бораётган ишларимизнинг муҳим дастури бўлган бу ҳужжатда лекция пропагандасининг аҳволи, йўналиши партиявий ўткир кўз билан чуқур таҳлил қилинган, бу борадаги камчиликлар, уларни бартараф қилиш йўллари, галдаги вазифалар аниқ кўрсатиб берилган. Қарорда, шунингдек, идеология фронтининг жангчилари бўлмиш лекторлар катта армияси тўғрисида доимий партиявий ғамхўрлик яққол акс этган.

Бутун мамлакатимизда бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам лекция пропагандасини кенг йўлга қўйиш, унинг ҳаёт билан алоқадорлигини кучайтириш, меҳнаткашларни фан-техника тараққиёти ўртага қўлётган актуал вазифаларни ҳал қилишга сафарбар этувчилик ролини ошириш борасида катта ишлар қилинмоқда. Партия ташкилотлари лекция пропагандасининг форма ва методларини янада такомиллаштиришга, унинг самарадорлигини оширишга, лекторлар армиясини ҳар жиҳатдан етук, малакали идеология жангчилари ҳисобига кенгайтиришга ҳар қачонгидан ҳам катта эътибор бермоқдалар.

Республикада лекция пропагандаси ишини партия талаби даражасига кўтаришда «Билим» жамиятининг хизмати катта бўлмоқда. Муҳим идеологик ва маданий-оқартув ташкилоти бўлмиш бу жамиятнинг 6 мингдан кўп бошланғич ташкилоти ўз иш фаолиятини йил сайин авж олдириб бормоқда. Лекция тингловчилар аудиторияси тобора кенгайиб бормоқда. Ўтган йилнинг ўзидагина республикада 42 ярим миллиондан кўп лекция ўқилди. Бу эса Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқларида «Билим» жамияти йўли билан ҳар куни 2 минг 700 тадан турли мавзуларда маърузали лекциялар ўқилди, демакки, Бу ўринда шуни таъкидлаш керакки, республикада турли актуал мавзуларда ўқилаётган лекцияларнинг сони билан бирга, унинг сифатига эътибор ҳам тобора кучайтирилмоқда. Бу ишга таниқли тарихчилар, иқтисодчилар, философлар, медицина ходимлари, саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши командирлари, новаторлар кенг жалб қилинаётганлиги диққатга сазовордир.

В. И. Ленин таълим берганидек, лекция пропагандасининг сифати кўп жиҳатдан лекторлар составига боғлиқ. Зеро, жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқичи, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш вазифаларининг миқёси, халқаро майдонда ғоявий курашнинг кескинлиги лектор кадрлар олдига катта ва масъулиятли талаблар қўймоқда. Бугунги кунда кенг лекторлар аудиторияси ана шу талаблар даражасида турган Р. Аминова, Б. Лунин, Э. Юсупов, Ҳ. Пўлатов, М. Хайруллаев, А. Ортиқов, Ф. Норхўжаев, М. Давлатшин сингари моҳир сўз усталаридан миннатдордир. Уларнинг иқтисодий, сиёсий, илмий, халқаро ва ватанпарварлик мавзуларига ўқиётган лекциялари темаларнинг ҳаёт билан ҳамнафаслиги, аудиторияга албатта даҳлдор ва қизиқарли бўлиши, нутилган натижаларга даъват эта олиш кучи билан ажралиб туради. Уларнинг лекция пропагандаси борасида сидқидилдан олиб бораётган ишлари тажрибаси кенг ёйилишга муносибдир.

Айни вақтда шундай фактлар ҳам учрамоқдаки, баъзи жойларда ўқилаётган лекцияларнинг мазмуни ва сифати тингловчилар савиясидан паст. Лекция ўқишга тайёргарлиги суст, темага даҳли ҳам қишилар жалб қилинмоқда. Ишлаб чиқаришнинг энг етилган масалаларини тингловчилар билан баҳамжиҳат муҳокама қилиш, қўшимча резерваларни қидириб топиш ва ишга солиш, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш темалари хусусида саноат ва қишлоқ хўжалиги командирларининг чиқишлари кўнгилдагидек йўлга қўйилмаган. Бинобарин, партия ташкилотлари, республика «Билим» жамияти правленияси ана шу камчиликларни бартараф этишлари, лекция пропагандасига энг етук мутахассисларни жалб қилишлари, ёш лекторларга ҳар жиҳатдан амалий ва методик ёрдамни кучайтиришлари керак.

КПСС Марказий Комитетининг «Лекция пропагандасининг аҳволи ва уни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини амалий иш дастури деб билиб, Ўзбекистон «Билим» жамияти уни амалга ошириш юзасидан кенг тадбирлар белгилади. Лектор кадрлар тайёрлаш ва малакасини оширишнинг ягона системаси тасдиқланди. Тошкентда икки йиллик лекторлик маҳорати шаҳар университети очилди. Ёш лекторлар мактаби шаҳобчалари кенгайтирилмоқда. Бундай университетлар ва мактаблар барча область марказларида, ҳар бир шаҳар ва районда ташкил этилиши шу куннинг энг муҳим талабларидан биридир.

Бугунги кунда партия бутун ғоявий-тарбиявий ишининг таркибий қисми бўлмиш лекция пропагандаси КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Улуғ Октябрь ва инсоният тараққиёти» мавзуидаги докладида айтиб ўтган тарихий вазифани ҳал этишга қаратилиши лозим. Лекция пропагандаси совет кишиларида юксак ғоявийлик, маданиятлилик, гражданлик масъулияти, меҳнатга коммунистик муносабат, совет ватанпарварлиги ва интернационализм, Ватан ҳимоясига тайёр бўлиб туриш туйғуларини ҳосил қилишга хизмат этиши керак. Унинг ҳозирги кундаги бош мазмуни — марксизм-ленинизм назариясини ҳамда КПССнинг ана шу назария ривожига қўшган ҳиссасини партия ички ва ташқи сиёсати масалаларини чуқур ва атрофлича тушунтириб беришдан иборат. Шунга эришиш керакки, барча коллективлардаги лекция пропагандаси мусобақани, ташаббускорликни ривожлантиришга, илғор тажрибани оммалаштиришга кўмаклашадиган бўлсин.

Лектор — ғоявий жангчи. Унинг сўзлари ўнинчи беш йиллигининг анъанавий тарзда дадил старт билан бошланган учинчи йилининг дастлабки кунлариданоқ завод ва фабрикаларда, беполён далалар ва фермаларда, қурилиш майдончаларида жаранглаб эшитилмоқда. Ғоявий фронт жангчилари КПСС Марказий Комитети декабрь (1977 йил) Пленуми қарорларини, СССР янги Конституциясини (Асосий Қонуни)ни, Ўзбекистон ССР Конституциясини (Асосий Қонуни)ни лойиҳасини, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг социалистик мусобақани кенг авж олдириш тўғрисидаги хатини кенг пропаганда қилмоқдалар. Бу пропаганда эса ўз ҳаётий даъваткор кучи билан бой самаралар беришга муқаррар.

Лекция пропагандасига кенг йўл!

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ДАДИЛ ОДИМИ

Ўзбекистон саноат корхоналарининг коллективлари 1978 йилги топшириқларни муваффақиятли адо этиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, ўнинчи беш йиллик учинчи йилининг маҳсулот реализация қилиш юзасидан биринчи квартал планини муддатидан аввал—29 мартда бажардилар.

Квартал охирига қадар пландан ташқари анча миқдорда саноат маҳсулоти, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилади, кўмир, нефть қазиб олинади, минерал ўғит ҳамда бошқа маҳсулотлар тайёрлаб берилади.

Узбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошкармаси.



ЧИГИТ ЭКИШ ҚИЗҒИН

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. Урта Чирчиқ районидаги А. Иноромов номли колхоз миришкорлари чигит экиш кампаниясига пухта ҳозирлик кўрган ҳолда киришдилар. Улар 1145 гектар экин майдонига барана уруғи қадашни бир ҳафта ичида тугаллашга аҳд қилишган.

Суратларда: (юқорида) илғор механизаторлардан Х. Пардаев (чапда) ва П. Жўмабоев ўртоқлар. Пастдаги суратда эса чигит экиш.

Г. Пун ва И. Чернов фотолари. (ЎзТАГ).

Муддатидан илгари

Тошкент саноат корхоналарининг коллективлари партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитети 1977 йил декабрь Пленуми қарорларига амал қилиб, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактубига амалий иш билан жавоб бериб, маҳсулотни реализация қилиш ва буюмларнинг энг муҳим турларидан нўпчилигини ишлаб чиқариш юзасидан биринчи квартал планини муддатидан олдин, 29 март куни бажардилар.

* * *

Самарқанд области саноат корхоналарининг коллективлари ўнинчи беш йиллининг учинчи зарбдор йили топшириқларини муддатидан аввал бажариш учун ўтказилаётган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, сансат маҳсулотини реализация қилиш квартал планини барвақт, 28 март куни адо этдилар. Ой охиригача пландан ташқари 8 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот реализация қилинади.

* * *

Сирдарё областидаги саноат корхоналарининг коллективлари КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошира бориб, саноат маҳсулотини реализация қилиш биринчи квартал планини муддатидан илгари, 28 март куни бажардилар. Ой охиригача қўшимча равишда 2 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот реализация қилинади.

* * *

Ўнинчи беш йилликнинг зарбдор йили планларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб юборган Андижон области саноат корхоналари коллективлари маҳсулот реализация қилиш бўйича биринчи квартал топширигини муддатидан илгари, 29 мартда бажардилар.

Ой охиригача планга қўшимча тахминан 6 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

* * *

«Узплодоовощвинпром» саноат корхоналарининг, ишлаб чиқариш — аграр бирлашмаларининг ва совхоз-заводларининг коллективлари қабул қилинган мажбуриятни бажара бориб, маҳсулот реализация қилиш биринчи квартал планини 29 март куни муддатидан илгари адо этдилар.

Ой охиригача планга қўшимча равишда 2,8 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, реализация қилинади.

* * *

Узбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлиги корхоналарининг коллективлари КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошира бориб, маҳсулот реализация қилиш уч ойлик планини 29 март куни, барвақт адо этдилар. Ой охиригача планга қўшимча равишда 2 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

(ЎзТАГ).

ЧОРВАДОРЛАР ЮКСАК СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРНИ БЕЛГИЛАБ ОЛИШМОҚДА

НУРОТАЛИКЛАР ИЗИДАН

Конимех, Советобод ва Бойсун районларининг қорақўлчилик хўжаликларидаги меҳнат коллективларида Нурота районининг чорвадорларининг социалистик мажбуриятлари муҳокама қилинди. Бу социалистик мажбуриятларни кўпгина чўпонлик бригадалари, фермалари, совхозларнинг коллективлари қўллаб-қувватлаб, ўзларининг илгари олган мажбуриятларини қайта кўриб чиқдилар.

КОНИМЕХ район қорақўлчилари оширилган социалистик мажбуриятлар олишди. Улар ҳар 100 совлиқдан 146 бош қўзи олиб, камида 200 минг бош қўзини парвариш қилишга қолдириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга аҳд қилдилар.

«Шофирқон» совхози коллективи қўзилатиш мавсумини муваффақиятли ўтказишга ва 54,8 минг бош совлиқнинг ҳар юзтасидан илгари олинган социалистик мажбуриятдаги 145 бош ўрнига 150 тадан қўзи олишга, бинобарин 30 минг бош ўрнига 38 минг бош қўзини парвариш қилишга қолдиришга, шу жумладан, 28 минг бош урғочи қўзи ўрнига 33 минг бош урғочи қўзини парвариш қилишга қолдиришга, илгари мўлжалланган 3,3 килограмм ўрнига ҳар бир бош қўйдан 3,5 килограммдан жун қирқиб олишга аҳд қилдилар. Бу совхознинг барча чўпонлик бригадалари, ўз зиммаларига янги оширилган социалистик мажбуриятлар олишди. Бош чўпонлар Нодир Шалабоев, Тўрон Кистовбоев, Ўроптбой Мамбетов, Тўрақул Ермекчиев, Сайфулла Бакоев, Нортой Бердиев, Икром Карибоев, Нуриилла Нурмамбетов, Худойберди Бекманов, Тауболди Кўканов, Турар Хидирбеков ва бошқа кўпгина чўпонлар қўйчиликни ривожлантиришнинг янги юксак марраларини мўлжалламоқдалар.

СОВЕТОБОД районининг чорвадорлари ҳар юз совлиқдан аввалги мажбуриятдагига нисбатан 5 бош кўп — 135 бошдан қўзи олиш ва 119 минг бош қўзини боқишга қолдириш, шу жумладан 116 минг бош урғочи қўзини боқишга қолдириш, 1978 йилда қўйларни 35,7 минг бош кўпайтириб, подадаги совлиқларнинг салмоғини 75 процентга қадар етказиш мажбуриятини олдилар. Ҳар бир бош қўйдан 4 килограмм жун қирқиб олиш, давлатга 1000 тонна жун ва 117,7 минг дона қорақўл тери топшириш мўлжаллаб қўйилди. «Улуғ», «Каттақўрғон» совхозларининг коллективлари ҳар юз совлиқдан 145 бошдан қўзи олиш, урғочи қўзиларнинг ҳаммасини парвариш қилишга қолдириш, ҳар бир бош қўйдан 4,5 килограммга қадар жун қирқиб олиш мажбуриятини қабул қилдилар.

Барча чўпонлик бригадалари, фермалар ва бўлимлар ўз зиммаларига конкрет мажбуриятлар олиб, бу мажбуриятларни бажариш учун астойдил курашмоқдалар. «Ленинчи чорвадор» совхозидан Зафар Йўлдошев, «Улуғ» совхозидан Бобошер Чоршанбоев, «Каттақўрғон» совхозидан Охнор Донияев, «Қерноб» давлат наслчилик заводидан Эсон Ойдўстов, «Узбекистон ССР 50 йиллиги» совхозидан Ўрин Эсонов ҳар юз совлиқдан 150-170 бошдан қўзи олиш, қўзилаган ҳар бир совлиқ ҳисобига биттадан қўзи қолдириб, йил охирига қадар отарда қўйлар туёғини икки баравар кўпайтириш мажбуриятини олдилар.

БОЙСУН районининг қўйчилари ўзларининг резервлари ва имкониятларини яна бир марта қайта қараб чиқиб, бу йил қорақўл наслли ҳар юз совлиқдан 155 бошдан, ҳисор наслли совлиқларнинг ҳар юз бошидан 110 тадан қўзи, ҳар юз эчкидан 130 бошдан улоқ олишга, қўзи ва улоқларнинг ҳаммасининг тўла-тўкис сақлаб қолинишига эришишга ва қорақўл наслидан бўлган урғочи қўзичоқларнинг ҳаммасини — қўзилаган ҳар юз совлиқ ҳисобига 80 тадан қўзини парвариш қилишга қолдиришга, аҳд қилдилар. Бу йил қўйлар ва эчкиларни 181 минг бошга етказишга, совлиқларнинг салмоғини 70 процентга қадар етказишга бел боғлашди.

«Сайроб» совхозининг чўпонлик бригадалари ҳар юз бош совлиқдан 156 бошдан қўзи олиш, урғочи қўзиларнинг ҳаммасини парвариш қилишга қолдириш, ҳар бир бош қўйдан 4 килограммга қадар жун топшириш мажбуриятини олдилар.

Эргаш Шамаев, Темир Пухтаев, Муҳаммади Кўчкинов, Самад Тўраев ва бошқа кўпгина чўпонлик бригадалари юксак социалистик мажбуриятлар олишди.

Умуман район бўйича қўйларнинг жунини қирқиш уюшқоқлик билан ўтказилади ва давлатга 277 тонна жун ҳамда 30 минг дона қорақўл тери сотиш мўлжалланмоқда.

Районларнинг партия, совет касаба союз ва комсомол ташкилотлари, қишлоқ хўжалиги органлари қўзилатиш мавсумини намунали ўтказиш, қўйлар туёғини ошириш, қўйчилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, унинг сифатини яхшилаш учун коллективларда социалистик мусобақани авж олдириш соҳасида заруур ташкилотчилик ишини кучайтириб юбордилар.

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ МОСКВАДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев сафарга жўнаб кетди. У сафар вақтида Сибирь ва Узоқ Шарқдаги бир қанча шаҳарларда бўлади.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг сафарида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси СССР мудофаа министри Д. Ф. Устинов, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири Л. М. Замятин унга ҳамроҳ бўладилар.

Вокзалда Ўртоқ Л. И. Брежневни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари Ю. В. Андропов, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, Ф. Д. Кулаков, К. Т. Мазуров, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар П. Н. Демичев, М. С. Соломенцев, К. У. Черненко, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари И. В. Капитонов, В. И. Долгих, Я. П. Рябов, К. В. Русаков, КПСС Марказий Комитетининг аъзолари Б. П. Бугаев, Г. С. Павлов, Г. Э. Цуканов, Н. А. Шчелоков, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидатлар А. М. Александров, С. К. Цвигун, Г. К. Цинев, В. М. Чебриков, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси А. И. Блатов, темир йўл министри И. Г. Павловский, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг референти Е. М. Самотейкин кузатиб қолдилар.

(ТАСС).

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ МЕҲНАТДА МУВАФФАҚИЯТЛАР ТИЛАДИ

29 март куни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев поезд ўтиб борган йўллар — Кировда, Удмуртия АССР территориясида, Пермда бир оз тўхтаб ўтди. Л. И. Брежневни КПСС Киров область комитетининг биринчи секретари П. П. Беспалов, КПСС Удмуртия область комитетининг биринчи секретари В. К. Марисов, КПСС Пермь область комитетининг биринчи секретари Б. В. Коноплев самимий табриклашдилар.

Леонид Ильич Брежнев тўхтаган жойларда уни шаҳар ва районларнинг аҳолиси сидқидилдан табриклашдилар.

Ўртоқ Л. И. Брежнев беш йилликнинг учинчи заводбор йилида КПСС Марказий Комитети ўртага қўйган вазифаларни бажаришда меҳнаткашларга катта меҳнат муваффақиятлари тилаб билдирган истакларини уларга етказишни область партия ташкилотларининг раҳбарларидан илтимос қилди.

(ТАСС).

ТЎРАҚЎРҒОНЛИКЛАР ТАШАББУСИГА ҚЎШИЛАМИЗ

ҲОСИЛ МЎЛ БЎЛАДИ

Шундай даврда яшаб меҳнат қиляпмизки, бугун бир киши ёки бир гуруҳ кишилар бошлаган ватанпарварлик ташаббуси эртага ҳаммаларнинг мулкига айланяпти. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъқуллаган Тўрақўрғон районидаги маккажўхорикорларининг ғалабасини, ҳосилдорлиги ва ҳосилдорлиги ошиб бораётган ишларимизнинг ўзи ҳеч шубҳасиз, ҳаммамизнинг ишимизнинг ҳосилини ошириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифат

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

ҲАЁТИМИЗНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНИ

ЯНГИ ИНСОН КАМОЛОТИ

Коммунистик партия тарбиялаб вояга етказган янги инсоннинг ахлоқий фазилатлари, гражданлик бурчлари Ўзбекистон ССР янги Конституцияси лойиҳасида ёрқин акс эттирилган. Асосий Қонун лойиҳаси 6-бобининг 57-моддасида Ўзбекистон ССР граждани СССР Конституциясига, Ўзбекистон ССР Конституциясига ва совет қонунларига риоя қилиши, социалистик турмуш қоидаларини ҳурматлаши, совет граждани деган юксак номга муносиб бўлиши шарт эканлиги таъкидланади.

Ҳа, совет граждани деган юксак номга муносиб бўлиш катта шараф. Совет кишисига хос ахлоқий фазилатларни янада ойдинлаштириш мақсадида юқоридаги модданинг охирига қуйидаги жумла қўшиб қўйилса маъқул бўларди: **«Бу соҳадаги асосий вазифа — коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодексидаги принциплар совет кишиларининг турмуш тарзида мустаҳкам қарор топишига эришишдан иборатдир».**

Мен бу таклифни киритаётганимга сабаб шуки, коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси ўз ичига олган гўзал фазилатлар кишиларимизнинг характерига сингиб, кундалик ҳаётимизда ёрқин намоён бўлмоқда. Ана шу ахлоқий принципларга риоя қилиш гражданлик бурчи даражасига кўтарилса, қонуний ва ўринли бўлади.

Коммунистик меҳнат коллективлари ва зарбдорлари ахлоқ кодекси талабларини бажаришда намуна бўлишяпти. Бригадамизни мисолга олайлик. Биз коммунистчасига ишлаш, ўқиш ва яшаш мақсадини амалда рўёбга чиқармоқдамиз. «Бир кишиҳамма учун, ҳамма бир кишиучун» деган қоида ҳаётимиз қонунига айланган. Қолоқ соҳа — маккажўхоричиликни биз комсомоллар оталиққа олдик. Янги ерлар ўзлаштирдик. Маккажўхори донни етиштиришни йилдан йилга кўпайтирмоқдамиз. Янги ерларда ҳосилдорлик дастлабки йилларда 50-60 центнерни ташкил қилган бўлса, юбилей йилида 84.6 центнерга етказилди. Бу йилги маррамиз — юз центнер. ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Беш йиллик ёш гвардиячиси» ва «Олтин бошоқ» нишонлари билан тақдирланганим бутун коллективимизнинг меҳнатига берилган юксак баҳо бўлди.

Қишлоғимиз меҳнаткашлари Ўзбекистон ССР Асосий Қонуни лойиҳасини муҳокама қилишда актив қатнашмоқдалар ва қизғин маъқуллямоқдалар. Бу тарихий ҳужжат ҳаммамизнинг ғайратимизга ғайрат қўшди. Социалистик мусобақани янада кенг қулоч ёйдириб, янгидан янги меҳнат зафарлари билан севикли ватанимизни қувонтириш — бизнинг муддаомиздир.

Рўзимат ЕРЛИҚАБОВ,
Гурлан районидаги «Ленинизм» колхозининг маккажўхоричилик бригадаси бошлиғи, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати.

ДЕПУТАТ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА

Омма муҳокамасига ҳавола этилган Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Конституцияси (Асосий Қонуни) лойиҳасида халқ депутатлари, уларнинг бурч ва вазифалари, ҳуқуқлари батафсил баён қилинган. Шундай бўлиши табиий — халқ депутати кенг кўламларда фаолият кўрсатиши керак.

Буни шахсан мен ўзимизнинг қишлоқ Советимиз ва бошқа маҳаллий Советларнинг депутатлари фаолиятидан ҳам яхши ҳис этаман. Қишлоқ ободончилигидан тортиб — халқ маорифи соҳасигача колхоз ва совхоз ҳамда бошқа ташкилотлар фаолияти устидан контроллик қилишдан тортиб, сайловчиларнинг катта, кичик наказларини бажаришгача — шу каби вазифаларнинг ҳаммаси депутатлар зиммасида. Кўриниб турибдики, халқ депутатига катта ишонч билдирилиб, кенг ҳуқуқлар бериб қўйилган. Бу ҳуқуқлар лойиҳанинг 97-моддасида шундай баён қилинади: «Депутатлар Советларнинг ишида қатнашиб, давлат, хўжалик ва социал-маданий қурилиш масалаларини ҳал этадилар, Советларнинг қарорларини амалга оширишни ташкил қиладилар, давлат органларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг иши устидан контроллик қиладилар». Бу сатрлар халқ депутатининг чиндан ҳам серқирра фаолиятини ифодалаб турибди. Лекин баъзан биз ўз тажрибамизда депутат учун фаолият майдони, айниқса ҳозирги шароитларда, анча кенглигини сезиб турибмиз. Демак активликни, фаолиятимизни, тартиб-интизомни бундан ҳам яхшилаш керак. Шу боисдан ҳам шу моддадаги юқорида келтирилгач абзац давомидаги жумлаларнинг «...ташкилотларнинг иши устидан кенг кўламда ва қатъий контроллик қиладилар» деб таҳрир қилинишини истардим.

Республикамиз меҳнаткашлари қатори бизнинг қишлоқ Советимиз депутатлари ҳам янги бахтномамизни зўр қизиқиш билан муҳокама қилмоқдалар.

О. ЖЎРАБОЕВА,
Фарғона район Лоғон қишлоқ Совети раиси, халқ депутатлари район Советининг депутати.

КОЛХОЗЧИ КОШОНАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ КОЛХОЗЛАРДА ҚУРИЛИШ БЎЙИЧА ДАВЛАТ КООПЕРАТИВ БИРЛАШМАСИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МИНИСТРЛИГИ, РЕСПУБЛИКА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА РАДИОЭШИТТИРИШ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ ҲАМДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ВА ТАЙЁРЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА СОЮЗИ РЕСПУБЛИКА КОМИТЕТИ, «СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ», «ПРАВДА ВОСТОКА» ВА «ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ» ГАЗЕТАЛАРИ РЕДАКЦИЯЛАРИНИНГ

ЭНГ ЯХШИ КОЛХОЗ ПОСЕЛКАЛАРИ ҚУРИЛИШИ ВА ОБОДОНЧИЛИГИ УЧУН РЕСПУБЛИКА КУРИК-КОНКУРСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА.

Жиззах районидаги Ленин орденли «Москва» колхозида бўлган киши колхозчи деҳқоннинг бахтиёр турмушини кўриб қувонади. Қишлоқнинг ўтмиши ва бугуни ҳақидаги мавзу хўжаликнинг юбилей йилида очилган Меҳнат шуҳрати музейида етакчи ўринни эгаллаган. Колхоз архитектори экспонатлар билан таништириб:

— Колхозимиз қишлоғида илгари ҳом ғиштдан уйлар қурилиб, улар узоққа бормасди деди. — Энди фақат замонавий типда қурилиш олиб борилянти. Лекин янги уйлар орасида эскиргани, аммо ҳашаматлилари ҳам бор. Бу жиҳатдан қараганда посёлкамизни учта микрорайонга бўлса бўлади.

Архитекторнинг гапида жон бор. Колхозда хутор системаси аллақачон тугатилган. Сўнгги 10—15 йил ичида 25 та хутор тугатилиб, 3 минг ҳонадон бош план асосида қурилган замонавий уйларга кўчиб кирди. Колхоз марказий посёлкасидаги уйлар тўла газлаштирилган, водопровод киритилиб, ҳонадонлар телефон. Ильич нуридан баҳраманд. Кўчалар ёритилган. Йўлкалар асфальтланган. Шундай бўлса-да янги посёлканинг ҳам бир қатор ноқулай томонлари сезилмоқда. Масалан, кўчалар тор. уйлар кўчанинг у бошидан бу бошигача бир-бирига уланиб кетган. Бу ёнғинга қарши кураш талабларига жавоб бермайди. Канализация, дам олиш ҳовлари ва спорт иншоотлари йўқ. Клуб, радиоузел маданият уйларининг ҳаммаси фақат бир жойда — правление идораси ёнида.

Колхоз раиси, иккинчи марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул ота Носиров правление аъзолари билан маслаҳатлашиб, колхоз посёлкасини кенгайтириш юзасидан 1968 йилда тузилган бош пландан воз кечди. Колхозда замонавий кўркам шаҳарча қуришга қарор қилинди. Шаҳарчанинг биринчи навбати учун Сангзор дарёси ва тоғ томондан 87 гектар ер танланди. Янги микрорайонда барпо этилаётган уйлар колхозчиларнинг таклиф ва мулоҳазалари ҳисобга олинмоқда.

Деҳқонларга ертўласи билан уч қаватли кўркам уйлар маъқул бўлмоқда. Ҳар бир хўжаликда 0,14 гектар томорқа бор. Ёзги ва қишки ошхона, қўш қаватли усти ёпиқ каравот-шийпон, гараж, сатҳи 46 квадрат метрли ертўла, тандирхона қурилган. Ҳар бир қаватда алоҳида-алоҳида ваннаҳоналар бор.

Пахтачилик бригадаси бошлиғи Аҳмаджон Ўринбоев ана шундай уйларнинг бирига кўчиб кирди. Яқинда келин ҳам туширди. Қўшалоқ шодиёна гувоҳи бўлган ҳонадонга кирамиз.

— Уйнинг ярим қийматидан қутулдик, — дейди Аҳмаджон ака. — Жамғармадан 10 минг, устама иш ҳақидан 2 минг сўм тўлалик. Яна икки гал шундай тўласак, уй фойдага қолади. Қурувчиларга ҳам раҳмат. Ёнғинамизда 280 ўринли болалар комбинати ишлаб турибди. Сал нарида 6 гектарлик теплица қурилянти. Микрорайонимиз 40 гектарлик колхоз боғига бориб тақалади.

Иккинчи микрорайон колхознинг Меҳнат шуҳрати музейи ёнидан бошланади. Бу ердаги уйларга раисининг ўзгартишлари киритилган. Шу туфайли уйнинг қиммати 10 минг сўмга арзонлашди. Шу беш йилликда бу ерда 6.5 миллион сўмлик қурилиш ишлари бажарилади. Биринчи навбатнинг ўзида 240 оила янги уйларга кўчиб киради. 1150 ўринли мактаб, қозонхона ва бошқа маданий-маиший бинолар қад кўтаради. Стадион, маъмурий бинолар, клуб иккинчи навбатда қурилади.

Архитектор Мустафоқул Субҳонқулов турли лойиҳалаш институтлари томонидан яратилган кооператив уйлар лойиҳасидан иборат альбомни кўрсатди.

— Районимизда кооператив уйлар қурилиши авж олмоқда, — дейди Жиззах район партия комитети секретари Н. Маҳкамов альбомни варақлар экан. — Ўтган йили бу соҳадаги қурилиш ишларининг ҳажми 400 минг сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткични яқин йилларда 1.6 миллион сўмликка етказиш мўлжалланмоқда. Райондаги Навоий номли, Ҳамид Олимжон номли колхозларда бошланган иш Жданов номли, Энгельс номли колхозларда қулоч ёя бошлади Навоий номли колхозда «Қуёш» серияси даги уйлар қурилмоқда. Бир қаватли уйлар ҳам колхозчиларга маъқул тушмоқда.

Колхозларда кооператив уйлар қуриш соҳасида Жиззах «Облмежколхозстрой» трести маълум тажриба тўплади. Трест ўтган йили республика социалистик мусобақасида голиб чиқиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини олишга сазовор бўлди.

— Бу йил, — дейди трест бошлиғи А. Абдуллаев, — 4900 квадрат метр турар-жой биноларини фойдаланишга топширамиз. Бу, ўтган йилдагидан 10 баравар кўп, демакдир. Қурилиш сифатини яхшилаш учун махсус пардозловчи участка ташкил этилди. Шунингдек, барча механизмлар марказлашган колоннага бирлаштирилгани, ғишт, йиғма темир-бетон, керамзит бетон панеллари ва бошқа қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи комбинатнинг қурилгани ҳам ўз самарасини бермоқда. Бинокорлар ўртасида авж олдирилган юборилган ўзаро социалистик мусобақа қурилиш муддатини қисқартириш, самарадорликни оширишда муҳим восита бўляпти. Республикада хизмат кўрсатган бинокорлардан Соли Каримов, Мелиҳой Мусаевлар бошлиқ комплекс механизациялашган бригадалари. 55-механизацияланган кўчма колоннанинг В. Олехнович ва И. Ҳожиматов раҳбарлигидаги злобинчи бригадалари азаматлари юқори сифат ва суръатга эришмоқдалар.

Бироқ, Жиззах областида қишлоқ қурилиши қўламининг тобора кенгаяётганлиги бир муаммонинг ҳал этилишини, яъни область колхозлараро қурилиш трестининг имкониятларини кенгайтиришни тақозо этаётир. Биз рейд пайтида Жиззах области қишлоқ қурилишларига республика Қурилиш министрлигининг 27-трести ҳамда Андижон областининг махсус қурилиш трестлари ёрдамга келганлигини кўрдик.

Навқирон Жиззах областининг тоғли районларида хуторлар ҳали кўп. Областда қишлоқ қурилишини тартибга солиш юзасидан тадбирлар белгиланган. Шунга кўра, ўнинчи беш йилликда бош план асосида 69 та марказий ва 100 га яқин ёрдамчи посёлкалар қуриш мўлжалланган. Қисқа вақт ичида 80 дан ортиқ қишлоқ учун бош план лойиҳаси тузилди. Шундай экан, кооператив уйларни фақат колхозларгина эмас, давлат хўжаликларида ҳам қуришни бошлаш пайти келди. Бу, давр ва замон талабидир.

Г. ГОРЕЛИК, «Узколхозстрой» бирлашмаси ходими, А. СОДИҚОВ, Ўзбекистон телевиденияси мухбири, С. САЙДАЛИЕВ, «Қишлоқ ҳақиқати» мухбири, С. СЛИВКИНА, республика радиоси мухбири, С. ТАТУР, «Правда Востока» мухбири, Н. МИРЗАЕВ, «Совет Ўзбекистони» мухбири.

Бу ҳақдаги материалларни бугун «Правда Востока», «Қишлоқ ҳақиқати» газеталарида ўқишингиз, «эангори экран»нинг иккинчи программасида соат 20 да кўришингиз, радио орқали эса биринчи программада эртага соат 12 да эшитишингиз мумкин.

Серқуёш республикамиз меҳнат аҳли Ўзбекистон ССР янги Конституцияси лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасига қўйилганлигидан ғоятда руҳланмоқда. Саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари коллективларида республикамиз Асосий Қонуни лойиҳаси муҳокамаси туфайли вужудга келган юксак сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги ўзининг ажойиб самараларини бермоқда.

Суратларда: (пастда) Тошкентдаги иккинчи пойафзал фабрикасининг ветеран ишчиси Б. Стручков. У шу кунларда 1980 йил ҳисобига меҳнат қилаётир. Юқоридаги суратда «Ташэнергонефтабель» заводининг илғор ишчиси Т. Маҳмудовни кўриб турибсиз. У беш йиллиқнинг уч йили планини СССР Конституцияси бир йиллигигача адо этиш мажбуриятини олган.

И. Глауберзон фотоларн.

ҒАМХЎРЛИК ИФОДАСИ

Колхозимиз меҳнаткашлари ва коммунистлари матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон ССРнинг янги Конституцияси лойиҳасини зўр қизиқиш билан кутиб олдилар. Улар лойиҳанинг ҳар бир боби ва моддаси билан муфассал таниш чиқмоқдалар. Бунда гарантияланган ҳуқуқлар, бизларга кўрсатилаётган буюк ғамхўрлик ўз ифодасини топган. Бахтимиз қомусининг ҳар бир сатри Ўзбекистон ССР граждани бахти, фаровон ҳаёти, порлоқ келажаги ҳақида ҳикоя қилади.

Айниқса, «Совет жамиятининг раҳбар ва етакчи кучи, совет жамияти сиёсий системасининг, давлат ва жамият ташкилотларининг ўзаги Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидир. КПСС халқ учун ишайди ва халққа хизмат қилади» деган сўзлари колхозимиз коммунистларини янада руҳлантириб юборди. Улар лойиҳадаги бу илҳомбахш сатрларни қалбларига жо этиб, ҳар қачонгидан ҳам самарали меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг сифат ва самарадорлик беш йиллигининг ҳал қилувчи учинчи йилидаги марралари юксак деҳқончилик қилинадиган 960 гектар майдондан она-Ватанга қариб 4 минг тонна «оқ олтин» ҳосили армуғон этишдан иборатдир. Шу кеча-кундузда лойиҳани муҳокама қилиш билан бир қаторда кўкламги экишга шунчалик тараддуд кўрмоқдалар. Техника ва ишчи кучи мавсум бошланишига шай бўлиб турибди. Биз чорвадорлар ҳам пахтакорлардан орқада қолмаётирмиз. Эл-юрт дастурхонига кўплаб чорва маҳсулотлари етказиб бериш учун меҳнат қилаётирмиз.

Ўзбекистон ССР Конституцияси лойиҳасида келажак сари олга интилаётган бахтиёр гражданларнинг ҳуқуқ, имтиёз ва бурчлари кенг ифодалаб берилганлиги бизни бениҳоя қувонтирди. Биз бунга жавобан бутун куч ва ғайратимизни, билим ва маҳоратимизни Ватанимиз бахт-саодати йўлида сарфлашга, янада самаралироқ меҳнат қилишга қаратамиз.

Биз Ўзбекистон ССР янги Конституцияси лойиҳасини муҳокама қилиш юзасидан муҳим тадбирлар белгилаб чиқдик. Жойларда қишлоқ ва маҳаллаларда, бригада ва фермаларда Ўзбекистон ССР янги Конституцияси лойиҳаси изчиллик билан ўрганиб чиқиляпти. Колхозимиз меҳнаткашлари Ўзбекистон ССР Конституцияси лойиҳаси билан чуқур танишиб, уни якдиллик билан маъқуллаяптилар

Бўритош РАЖАБОВА,
Яккабоғ районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг сут соғувчиси.

БУТУНИТТИФОҚ ҲУРМАТ ТАХТАСИДА — ЭНГ ЯХШИ КОЛЛЕКТИВЛАР

Москва меҳнаткашларининг тантанали митинги

Мамлакатимиз меҳнаткашлари Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини ва СССРнинг янги Конституцияси қабул қилинганлигини социалистик мусобақани кенг авж олдириш асосида мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантириш соҳасидаги янгиянги муваффақиятлар билан нишонладилар. Етти юздан кўпроқ энг яхши меҳнат коллективлари — ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишда, 1977 йилги халқ хўжалик планини муваффақиятли бажариш учун ўтказилган мусобақа ғолиблари Бутуниттифоқ ҳурмат тахтасига ёзилди.

Шу муносабат билан 28 март куни СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида Москва меҳнаткашларининг тантанали митинги бўлиб ўтди.

Ишғилганлар орасида илғор ишлаб чиқариш бирлашмалари, саноат ва транспорт корхоналари, қурилишлар, илмий-тадқиқот, лойиҳалаш, конструкторлик ташкилотлари ҳамда бошқа ташкилотлар ва муассасалар, олий ўқув юртлари коллективларининг вакиллари, Москва области меҳнаткашлари, партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотларининг намояндалари бор эди.

Митинг қатнашчилари ишонч билдириб айтдилар ки, халқ хўжалиги барча тармоқларининг меҳнаткашлари партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитети 1977 йил декабрь Пленуми тарихий қарорларини амалга ошира бориб, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли адо этиш учун умумхалқ социалистик мусобақаси байроғини янада баланд кўтарадилар, коммунистик қурилишда янги-янги муваффақиятларни қўлга киритадилар. (ТАСС).

МЕҲНАТ БАЙРАМИГА ТАРАДДУД

Республикамиз пойтахтидаги саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотларининг коллективлари доҳийимиз В. И. Ленин туғилган кунининг 108 йиллиги шарафига ўтказиладиган Бутуниттифоқ коммунистик шанбаликка актив тайёргарлик кўрмоқдалар.

✦ Пойтахт тракторсозлари коммунистик шанбалик куни дастгоҳлар ва замонавий конвейерлар ёнида туриб ишлашади. Шу куни улар ўнлаб тракторлар, бошқа сифатли маҳсулотлар чиқарадилар. Илғор пармаловчи А. Фигушина, созловчи М. Туробов, электр пайвандчи Н. Иванова «Қизил шанбалик» кунида энг юқори меҳнат унумдорлигига эришмоқчилар. Бошқа юзлаб меҳнаткашлар ҳам улардан ўрнак олиб, шанбалик куни смена топшириқларини 1,5-2 баравар ортиғи билан бажаришга сўз беришган.

✦ Шанбалик куни 124 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарамиз, 40 минг сўмлик товар маҳсулоти ишлаб чиқарамиз! Бу кундалик ишлаб чиқариш нормамиздан анча ошиқдир», Тошкентдаги 1-уйсозлик комбинати меҳнат аҳлининг шанбалик куни бажарадиган ишлари юқоридаги рақамларда ўз аксини топган.

Асқар Икромов бошчилидаги арматурачилар бригадаси коммунистик шанбаликда тежаб қолинган металл ҳисобига ишлайди. Бунинг учун бажариладиган ишлар технологиясига қатъий риоя қилиб, металлни тежаш керак. 22 апрель куни илғор бригада унумдорлик бўйича плани 1,5 ҳисса ортиғи билан бажаришга аҳд қилди.

Илғорларнинг бу ташаббусини В. Федотов бошлиқ монтажчилар, Т. Нургалиевнинг бригадасидаги бетончилар биринчилар қатори маъқуллашди. Корхонанинг тўрт минг кишилик ишчи-хизматчиси шанбаликда бир тан-бир жон бўлиб қатнашишга тайёрланмоқда.

✦ «Ташавтоматика» заводи ишчи-хизматчилари коммунистик шанбалик куни оддий иш кунидагига нисбатан анча кўп — 5.7 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга қарор қилди. Маҳсулотнинг бутун ўсишига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилади. Асбобсозлик цехининг токари В. Дёмин ва йиғувчилар бригадири В. Фролов ўз ҳамкасбларини зўр ғайрат билан ишлашга даъват этдилар. Шу куни корхона территориясини, ободонлаштириш бўйича ишлар графиги ҳам белгилаб олинган.

✦ Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли Тошкент тикувчилик борлашмасининг тикувчилари А. Тўлаганова, З. Ефремова, бичувчи П. Новосельсова сингари илғорлар шанбаликда икки смена топширигини бажариш мажбуриятини олишди. Корхонада шу куни 200 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

МУСОБАҚА КУНДАЛИГИ

БЕШ ЙИЛЛИК ТРАССАЛАРИДА

В. Гаврилов, М. Имомов, М. Камолов, Х. Раҳматов, Б. Қораев, А. Болохов... Бу номлар республикадаги ҳар бир автомобилчига, халқ хўжалиги турли тармоқларининг минг-минглаб меҳнаткашларига таниш номлардир. Донгдор шоферлар, ўз ишининг моҳир усталари бўлган бу кишилар — беш йиллик гвардиячилари 1976-1980 йиллар мобайнида шахсий ўн йиллик планларини бажарамиз, деб сўз беришган. Дастлабки муваффақиятга ҳам эришилди: Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлиги корхоналарининг энг яхши шоферларидан 12 киши шахсий беш йиллигини биринчи кварталда бажаради. Юз киши тўрт йиллик программани бажариб қўйишди. Тўрт юз киши уч йиллик планни бажарди. Коммунистик меҳнат зарбдорларининг ибрат кучи ана шундай.

Пешқадам шоферлар техниканинг бор кучидан тўлатўкис фойдаланиб, ана шундай ютуқларга эришмоқдалар. Тармоқда машиналарга кўплаб юк ортиш усулидан ҳамма жойда кенг фойдаланилмоқда, кузов ўрнига кўп юк сиғадиган ағдарма прицеплардан фойдаланилмоқда. Кўпгина автомобилчилар бир қанча прицеплардан иборат «поездлар»ни юргизишни эгаллаб олдилар. Автомобилчи инженерлар ишчиларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаб, ремонт хизматини такомиллаштирмоқдалар, оқилона маршрутларни ишлаб чиқмоқдалар. Буларнинг ҳаммаси асосий фондларнинг самарадорлигини ошириш, меҳнат унумдорлигини планга қўшимча равишда ўстириш имкониятини бермоқда.

Тармоқ коллективи Автомобиль транспорти ва тош йўллар ишчилари касаба союзи марказий комитетининг кўчма Қизил байроғини сурункасига уч йилдан буён қўлга киритиб, Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги ҳамкасбларининг меҳнат мусобақасида биринчи ўринни эгаллаб келмоқда. Ўзбекистон автомобилчиларининг кўп минг кишилик отряди шу кунларда юк ташиш квартал планини зарбдор суръатлар билан поёнига етказмоқда.

(ЎзТАГ).

ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико 28 март куни ЮКС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, ЮСФР Иттифоқ Иқроия вечеси раисининг ўринбосари, ташқи ишлар иттифоқ секретари М. Минич билан суҳбатлашди.

Самимий, дўстона вазиятда ўтган суҳбат вақтида қуролсизланиш ҳамда БМТ Бош Ассамблеяси махсус сессиясига тайёргарлик кўриш масалалари. Яқин Шарқдаги аҳвол, шунингдек бошқа халқаро проблемалар муҳокама қилинди. Европада хавфсизлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикрлашиб олинди ва шу муносабат билан Белград учрашуви якунларига ижобий баҳо берилди.

* * *

Шу куни А. А. Громико М. Минич шарафига зиёфат берди.

(ТАСС).

ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

ФАРҒОНА, 28 март куни бу ерда халқ депутатлари Фарғона область Советининг сессияси бўлиб ўтди. Сессияда КПСС Марказий Комитети 1977 йил декабрь Пленуми қарорлари асосида область қишлоқ хўжалигини ўрта бўғин кадрлар, механизаторлар ва оммавий касбдаги бошқа мутахассислар билан янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. (ЎзТАГ).

МУХБИРЛАР СЪЕЗДИ

НУКУС. [«Совет Ўзбекистони» мухбири]. Қорақалпоғистон АССРда ишчи ва қишлоқ мухбирларининг бешинчи съезди бўлиб ўтди. Қорақалпоғистон АССР Журналистлар союзи правлениесининг раиси, «Совет Қарақалпақстаны» газетаси редактори Т. Оллоёров КПСС XXV съезди ва КПСС Марказий Комитетининг 1977 йил декабрь Пленуми қарорлари асосида ишчи ва қишлоқ мухбирларининг вазифалари ҳақида доклад қилди.

Съездда Қорақалпоғистон область партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири Б. Исмоилов ўнинчи беш йиллик ва беш йиллиқнинг учинчи, зарбдор йили план-топшириқларини муддатидан олдин бажаришда ишчи ва қишлоқ мухбирларининг вазифалари ҳақида гапирди.

Ишчи ва қишлоқ мухбирларининг Тошкентда ўтказиладиган республика тўртинчи съездига делегатлар сайланди. Съездда Автоном Республиканинг барча ишчи ва қишлоқ мухбирларига мурожаат қабул қилинди. Съезд ишида область партия комитетининг секретари К. Ризаев қатнашди.

ҒАЛАБА РАПОРТЛАРИ

ОХУНБОБОЕВ. Райондаги «Правда» совхози «оқ чашма» ижодкорлари эл дастурхонига пландаги 71 тонна ўрнига 72 тонна серқаймоқ сут етказиб бериб, биринчи квартал планини бажардилар. Бу, ўтган йилнинг шу давридагидан 21 тонна кўпдир.

Совхоз чорвадорлари йиллик планда мўлжалланган 450 тонна ўрнига 550 тонна сут топширишга мажбуриятини олдилар. Чорвадорлар ваъдага вафо қилиш учун сигирлардан сут соғиб олишни кун сайин оширяптилар.

А. МАДРАҲИМОВ.
Б. СОЛИЕВ.

* * *

ЎЗБЕКИСТОН. Ғафур Ғулом номли колхоз чорвадорлари 28 тонна гўшт, 120 тонна сут сотиб биринчи квартал планини ошириб бажардилар. Чорвадорлар бу ғалабага молларни қатъий рацион асосида боқиш туфайли эришдилар.

Т. МИРЗАРАҲМАТОВ.

Шу кунларда Хоразм областидаги юздан зиёд барча насос станциялари тўла қувват билан ишламоқда. Станциялар ходимлари шўрхок экин майдонларини ювиш учун сувни узлуксиз етказиб бериш учун ҳаранат қилмоқдалар. Суратда: область суғориш системалари бошқармасининг энг яхши машинистларидан (чапдан ўнгга) Матқарим Матризаев, Бахтиёр Анязов, Саъдулла Майлибоев ва Саъдулла Собиров.

К. Отаев фотоси, (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ КЎРГАЗМАСИДА

ЁШЛАР ИЖОДИЁТИ КЎРИГИ

Ёшларнинг илмий-техника кўрик-конкурсида 413 мингдан зиёд ёш ихтирочи, рационализатор ва новаторлар иштирок этдилар. Ана шу оммавий кўрикнинг якунловчи босқичи голибларининг изланиш ва ижод маҳсуллари кўргазманинг тематик павильонида намойиш этилди.

Кўргазмада илмий муассасалар, корхона ва конструкторлик бюролари, ўқув юртларининг новаторлари ўз ишлари билан қатнашдилар. Геология ва авиацияда, енгил ва тўқимачилик саноатида, қурилиш ҳамда халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида муваффақиятли қўлланилаётган механизм, асбоб-ускуна ва қурилмалар томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Ёш рационализатор ва ихтирочилар айниқса қишлоқ хўжалиги машиналарини такомиллаштириш ва модернизация қилишга катта ҳисса қўшмоқдалар. Чунончи, СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводининг ёш ихтирочиларидан Л. Цой ва А. Ҳакимжоновлар пахтачиликда ишлатиладиган тракторлар учун таянч-бурилиш қурилмаси яратдилар. Бу қурилманинг қўлланилиши йилига бир миллион сўм иқтисодий самара беради. Шунингдек, ОВХ-14 пуркагич ишчи органи учун шарикли қурилма яратилди. Бу янгилик туфайли пуркагичнинг меҳнат унумдорлиги 30 процент ошди.

С. ПОЛИНОВА.

ПЕДАГОГЛАР ТАЖРИБА АЛМАШДИЛАР

Республиканинг бош кўргазмасида кўп тармоқли халқ хўжалигимизда эришилган ютуқлар намойиш этилишидан ташқари муайян мавзу бўйича семинар ва илғор тажриба мактаблари ташкил этиш анъана бўлиб қолган. Яқинда бу ерда Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги билан ҳамкорликда педагогика ўқув юртларида табиий фанларни ўрганишда техника воситаларини қўлланишни такомиллаштиришга бағишлаб республика семинар-кенгаши ўтказилди. Семинарда Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг олий ва ўрта педагогика ўқув юртлари бошқармаси бошлиғи С. Зиёев доклад қилди.

Кенгашда педагогика ўқув юртларининг олим ва етакчи ўқитувчилари, методик кабинетлар ходимлари ва мутахассислардан 150 дан зиёд киши қатнашди. Семинарда Тошкентдаги Низомий номли, Бухоро, Фарғона ва Қарши педагогика институтларида, республика мактабгача тарбия, Шаҳрисабз, Чуст ва Маргилон педагогика билим юртларида география, химия ва биологиядан дарс беришда техника воситаларидан кенг фойдаланилаётганлиги алоҳида қайд этилди.

Семинар-кенгаш қатнашчилари табиий фанларни ўрганишда кўргазмали ўқув қуроллари ва техника воситаларидан самарали фойдаланиш юзасидан тажриба алмашдилар, кўргазма павильонларини томоша қилдилар.

Р. ҚОСИМОВ.

ЯНГИ ҚАҲРАМОНЛАР

ДАДИЛ ҚАДАМ

ЛАВҲА

Ўртачўлнинг Тандирча деб аталган жойи аслида ҳам қиздирилган тандирнинг ўзгинаси эди. Саратон пайтлари қушлар бу ерни айланиб ўтишарди. Тухум тушса пишадиган ана шундай жойда 40-йилларда буюк яратувчи — инсон иши пайдо бўлди. Қудуқлар қазилди. Қақраган чўлга жон ато этилди. Чўлпонлик таёғини яқинда қабул қилиб олган Худоёрнинг кўнглида армон кўп эди: Лахча чўғ бўлиб ёнаётган бу ерлар қачон обод бўларкин? Дарё сувини бу ерга буриб юборишнинг иложи топилармикан. Ифтихоримиз бўлган пахтани чўлда кўриш бизларга насиб қилармикан?-

У кўпинча шундай фикрлари билан ҳамкасби, баҳсни яхши кўрадиган дўсти Э. Сомоновнинг жиғига тегарди.

— Афсонангни қўй, — дерди у диққати ошиб. — Ўн метр кавласанг ўзўрга сув кўринадиган қоқишоқ чўлда бирон нарса битармиди?! Дарё дейсан-а, яна нима, у ўқариқмидики, иккита кетмон урсанг изминга юраверса. Яхшиси, сен бугунни ўйла, подагни тўйдир. «Моли тўқнинг ўзи тўқ» деганлари шу бўлади.

— Қизишма, Эшобой! Бу ернинг тупроғи тагида олтин яшириниб ётибди. Ким нарвариш қилса, албатта уни қўлга киритади...

Орадан анча вақт ўтади. Худоёр орзу қилган кунлар ҳам етиб келади. Бироқ унгача Х. Сулаймонов кўнглида тугиб юрган ниятига эришади — пахтадан юқори ҳосил кўтариш учун бошланган курашга қўшилади. Қумработ, Новвоён қишлоқлари далаларида энг колоқ ҳосибланган пахтачилик бригадаларига раҳбарлик қилади. Кечагина рекорд деб саналган ҳосилдорлик кўрсаткичидан ҳам ўзиб кетади. 86 гектар ернинг ҳар гектаридан планда белгиланган 12 центнер ўрнига 50 центнердан хирмон кўтариб, чўлқуварлар олқишига сазовор бўлди. Қумработ шароитида бундай юксак кўрсаткичга эришиш ҳазилакам гап эмасди. Унинг бу ташаббусига эргашганлар сони кун сайин ортиб борди. Чўлқувар Худоёр Сулаймонов шу йили давлатимизнинг олий мукофоти Ленин орденига лойиқ кўрилди. Моҳир бригадир бу мукофотни коллективи учун берилган мукофот деб билди. Коллективнинг бутун куч-имкониятини, техникани янада юқори ҳосил олишга сафарбар этди. Х. Сулаймонов кўзланган чўққига дадил борарди. Бригадирнинг пахта ҳосилдорлигини ошириш борасидаги ҳар бир таклифи, ҳаракати Қизилтепа район партия комитети томонидан қувватланиб ва рағбатлантириб турилди. 1972 йилда эса унга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор» фахрий унвони берилди.

Уни аталмиш табриклагани келган чўпон Эшбой Сомонов бир пайтлардаги суҳбатни эслатди:

— Хўш, Тандирчани забт этиш режасидан қайтиб қолмадингми? У ерларга ҳам обиҳаёт етиб борди. Энди бу чўлни обод қилишни ким гарданнига оларкин?

— Тандирчага ҳужум бошланган, — деди у жиддий оҳангда, — биз ҳам четда турмаймиз. Мана кўрасан, бир неча йилдан кейин у ерларни таниб бўлмай қолади.

Бу ҳақ гап эди. 1976 йили янги бригадани қабул қилиб олган Х. Сулаймонов Қизилтепа районидаги «Москва» колхози раиси Тўй Сафаров, партком секретари Хайриддин Ҳамдамов, бош инженер Маҳмуд Каримовлар билан бамаслаҳат иш олиб борди. Чўл шароитида пахтадан мўл ҳосил кўтарилди. Аммо 1977 йил баҳори пахтакор учун анча қийин келди. Егингарчилик кам бўлгани сабабли ерда нам етарли тўпланмаган эди. Ҳар қандай шароитда ризқи-рўзимизнинг бир мисқолини ҳам қолдирмай йиғиштириб олиш ҳар бир пахтакорнинг муқаддас шиорига айланди. Бу шиорни амалда татбиқ этишда чўлқуварлар штаби салмоқли роль ўйнади. Йил бошидаёқ янги ўзлаштирилган 45 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 25 центнердан ҳосил олишга мусобақадоши Файзулла Поччаевни ишонтирган Х. Сулаймонов тиним билмай ишларди. Ғалвир сувдан кўтарилганда ҳар гектар ердан олинган ҳосил 51 центнерга етгани маълум бўлди. Мусобақадоши Ф. Поччаев бригадаси эса 45 центнердан ҳосил кўтарди. Ҳар икки бригаданинг меҳнат муваффакияти «Москва» колхозининг Бухоро областида биринчиларидан бўлиб ғалаба рапортига имзо чекишини таъминлади. Хўжалик бўйича давлатга 4150 тонна ўрнига салкам беш минг тонна чўл дурдонаси топширилди. Ҳосилдорлик гектар бошига 38,5 центнерга етказилди.

Ўтган юбилей йилида меҳнатда эришган улкан зафарлари учун жонкуяр бригадир Худоёр Сулаймоновга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди. У бошлиқ бригада аъзолари 1978 йилда янада юксак марраларни кўзлаб, меҳнат қилишмоқда.

А. МАННОПОВ,
Ҳ. ҚОДИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбирлари.

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

«МУХБИР» —«КОРРЕСПОНДЕНТ»

Журналнинг март ойи сони «Тонгимиз газетадан бошланади» сарлавҳали бош мақола билан очилади. «Беш йиллик ва матбуот» рубрикаси остида Наманган область партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири Х. Набиевнинг «Самарадорлик ва сифат — бош йўлимиз», «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг бўлим мудири Ш. Жабборовнинг «Ўрта бўғин— муҳим бўғин» сарлавҳали мақолалари ўрин олган. «Хотин-қизлар — зарбдор куч» сарлавҳали мақола «Бухоро ҳақиқати» область газетасида хотин-қизлар ҳаётининг ёритилишига бағишланган. «Партия турмуши» журналининг мухбири С. Нишонбоевнинг «Чорвачилик — зарбдор фронт» сарлавҳали мақоласи «Район матбуоти» рубрикаси остида ўрин олган.

Журнал редакциясида ўтказилган учрашув мусобақада иқтисод ва тежамкорлик проблемасига бағишланган. «Зангори экранда» рубрикаси остида эълон қилинган Ўзбекистон телевидениесининг бош редактори Ш. Ғуломовнинг мақоласи «Хатлар эфирга чиқарилаётир» деб номланади. Ш. Шполянскаянинг мақоласи эса «Илҳом» телеклуби кўрсатувларининг таҳлилига бағишланган. Шунингдек, «Район газеталари йўқламаси», «Мусобака — илғор тажриба мактаби», «Газета ва ўқувчиларнинг ахлоқий тарбияси», «Журналист кадрлар тайёрлаш», «Ёшлар ижоди» сингари бир қатор рубрикалар остида қизиқарли материаллар, «Ҳамкасбларимиз» рубрикалари остида журналистлар ва матбаачиларимиз тўғрисида ҳикоялар эълон қилинган. Булардан ташқари журнал саҳифаларида Журналистлар союзи маҳаллий ташкилотларидан хабарлар, янгиликлар, танқид ва библиографияга доир мақолалар ўрин олган. «Бизнинг вернисаж» рубрикаси остида эълон қилинган репродукциялар «Совет Шарқи хотин-қизлари графика ва ҳайкалтарошликда» деган умумий сарлавҳа остида берилган. Журнал ҳар галгидек фотосуратлар, рассомларнинг янги асарларидан репродукциялар билан чиройли безатилган.

ХАЛҚАРО ВОҚЕАЛАР

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИ

НЕЙТРОН БОМБАГА ЙЎЛ ЙЎҚ!

ПАРАГВАЙ КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЕСИЙ КОМИССИЯСИНИНГ БАЁНОТИ

Америка империализмининг энг агрессив доиралари АҚШда нейтрон бомбани қўллаб ишлаб чиқариш ва бу бомбани Европада НАТОга аъзо бўлган турли мамлакатларга етказиб беришга уринмоқдалар. Ана шу ялпи қирғин қуролининг ишлаб чиқарилиши барча халқларнинг, шу жумладан бизнинг халқимизнинг ҳам тинч ва осойишталигини жиддий хавф остида қолдирган бўлур эди, қуролланиш пойгасини жадаллаштириб, пировард натижада термоядро уруши хавфини кучайтирган бўлур эди.

Пентагон нейтрон бомбани безарар қурол деб кўрсатишга уринаётганлигига қарамай, ҳеч ким унинг ваҳшиёна қирғин қуроли эканлигини оқлай олмайди.

Шу муносабат билан Парагвай Компартияси ишчилар синфини, Парагвай халқини ва тинчликнинг ҳамма тарафдорларини ўз норозилик овозини жаҳон афкор оммасининг даъватига қўшишга чақиради. Жаҳон афкор оммаси «Нейтрон бомбага йўл қўйилмасин!» деб талаб этмоқда, стратегик ядро қуролининг янги турларини ишлаб чиқариш тўхатилсин. Бундай қуроллар тамомила йўқотилсин, сиёсий кескинликнинг юмшатилиши мустаҳкамлансин ва қуролланиш пойгаси тўхатилсин, Совет Иттифоқининг қуролсизланиш соҳасида самарали тадбирлар кўриш ҳақидаги таклифлари қўллаб-қувватлансин, деб талаб қилмоқда.

Парагвай Компартияси ўз мамлакатидаги барча тараққийпарвар кучларни ҳам Парагвай ҳукуматидан БМТда ва бошқа халқаро ташкилотларда нейтрон бомба ишлаб чиқаришга қарши чиқаётган ва қуролланиш пойгасини тўхатиш йўлида курашаётган кишиларнинг харакатларини қўллаб-қувватлашни талаб этишга чақиради.

◆ **ДЕҲЛИ.** Таниқли ҳинд ёзувчиси М. Н. Губта СССРнинг Ҳиндистондаги элчихонасига мактуб йўллаб бутун инсониятнинг келажаги йўлида нейтрон қурол дарҳол тақиқланиши лозим деб ёзади. Ана шу вахшиёна қуролнинг йўлини биргаликда кучгайрат сарфлаб тўсиш — дунёдаги барча тараққийпарвар кишиларнинг бурчидир.

Нейтрон бомба, дейилади шоир Д. Н. Надиминнинг мактубида, халқаро хавфсизликка таҳликали хавф солади. Тинчлик ва озодлик идеалларини қадрловчи барча кишилар бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиб, Қўшма Штатларни нейтрон қурол ишлаб чиқариш режаларидан воз кечишга мажбур қилишлари керак.

Нейтрон бомбанинг, оммавий қирғин қиладиган барча воситаларнинг тақиқланиши — қуролсизланиш йўлидаги курашда энг актуал вазифадир, — деб ёзади Ҳиндистоннинг таниқли жамоат арбоби, ёзувчи ва журналист Г. Н. Хайял. Бутун дунёда бўлгани каби Ҳиндистонда ҳам жамоатчиликнинг диққат-эътибори шу масалага қаратилган. Биз Америка ҳарбийларининг режаларини қоралаймиз ва Совет Иттифоқининг тинчлик йўлидаги ташаббусларини тўла-тўкис қўллаб-қувватлаймиз.

(ТАСС).

К. ВАЛЬДХАЙМНИНГ АЙТГАНЛАРИ

БМТ Бош секретари К. Вальдхайм Исроилнинг яқинда қилган агрессияси натижасида босиб олинган Жанубий Ливандаги аҳволга тўхталиб, бу районда «жиддий ташвишлантирадиган» бир қанча ҳодисалар бўлди, деди.

БМТ қузатувчиларининг хабарларига кўра, ўт очишни тўхатиш тўғрисида Хавфсизлик Кенгаши қўйган талабларга зид ўлароқ Исроил артиллерияси кейинги кунлар мобайнида босиб олинган Маржаюн шаҳридан неча марта ўт очган ва жумладан БМТ кучларнинг Швеция контингентига мансуб ҳарбий хизматчилар группасини тўпга тутган.

Бу ерда айтишларича, Исроил ҳарбийларининг ҳаттиҳаракатлари БМТ Хавфсизлик Кенгашининг резолюцияси очиқдан-очиқ бузиш ва халқаро ҳамжамиятга қилинаётган даҒдаҒадир.

(ТАСС).

БИКИНИ ФОЖИАСИ

АҚШнинг собиқ ядро полигони—Бикини ороли ҳамон яшаш учун яроқсиз. Қўшма Штатларнинг ички ишлар министрлиги қарийб ўн йил кечикиб бўлса-да, шундай хулосага келди. Америкалик мансабдорлар 1968 йилдаёқ Бикинида яшовчи 500 кишидан 100 кишига аждодлар ерига қайтиб боришга рухсат берган эдилар. Бу қарор атом энергияси комиссиясининг фикрига асосланиб чиқарилган эди. Комиссия оролдаги радиация даражаси кишининг сиҳат-саломатлиги учун хатарли эмас, деган хулосага келганди.

Эндиликда энергетика ва ички ишлар министрликларининг мутахассислари оролда яшаш сиҳат-саломатлик учун 35—50 йил мобайнида хатарли бўлиб туришини аниқладилар.

Бу ерда 50-йиллар охиригача атом ва водород қуроллари неча ўнлаб марта портлатиб кўрилган. Бир вақтлар яшнаган диёр ҳувиллаган саҳрога айланди. Ҳозир Қўшма Штатлар ҳукумати Америка ядро программасининг «синаб кўриладиган қўёнлари»ни ва ядро қуролларини ишлаб чиқмоқда.

ЖОН ХАРРИС ОЗОД ҚИЛИНСИН!

Халқаро жамоатчилик Америка маъмурларининг Алабама турмасида ётган маҳбус, АҚШдаги қора танли аҳолининг ҳуқуқий тенглиги учун курашчи Ж. Харрисдан ўч олишга тайёрланаётганлигини қаҳр-газаб билан қораламоқда. Жаҳондаги тараққийпарвар кучлар АҚШда қонунга хилоф равишда қилинаётган ишларга ва инсон ҳуқуқлари кенг кўламда поймол этилаётганлигига қарши норозилик билдириб, ирқчилар суди чиқарган мудҳиш ҳукм бекор қилинсин ва ёш негр ишчи озод этилсин, деб талаб қилмоқдалар.

НЬЮ-ЙОРК. Алабама турмасининг ажал камерасида ётган маҳбус Жон Харрис бундай деди: «Бутун жаҳондаги кишилар ирқчиларнинг яшаш ҳуқуқимизни бузишига қарши қатъий норозилик билдирган тақдирдагина Алабамадаги қора танли аҳолини кун сайин таҳдид этаётган ўлим хавфидан қутқазиб қола олади».

Негрларнинг ҳуқуқий тенглиги учун актив кураш олиб борган бу маҳбус ўз адвокати У. Эллисон орқали берган баёнотида қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: бу мамлакатдаги бошқа ҳамма гражданларнинг ҳуқуқлари каби қора танли америкаликларнинг граждачлик ва инсоний ҳуқуқлари ҳам муҳимдир. Биз, ирқчиликка қарши курашувчилар АҚШдаги негрларнинг иккинчи даражали кишилар деб ҳисобланишига асло тоқат қилолмаймиз.

УЛАН-БАТОР. Монголия давлат университетининг ректори, тинчликни ҳимоя қилиш Монголия комитетининг раиси Н. Содном бундай деди: Америка маъмурларининг негрларнинг гражданлик ҳуқуқлари учун актив курашчи Ж. Харрисни ўлдиришга тайёргарлик кўраётганлиги жаҳон жамоатчилигини ҳақли равишда ғазаблантирди.

(ТАСС).

АГРЕССОРНИНГ ҲОМИЙЛАРИ

Яқин Шаркда қуролли можаро яна аланга олди. Исроил қўшинлари 15 марта ўтар кечаси бутун чегара бўйлаб қўшни Ливан территориясига бостириб кирдилар. Фаластин қаршилик отрядлари жангчилари агрессорнинг йўлини тўсиш учун ҳамма чораларни кўрдилар; лекин кучлар тенг эмас эди. Қўшма Штатлар тиштирноғигача қуроллантирган Исроилнинг ўттиз минг кишилик армияси ажал уруғини сочиб, ҳамма ёқни вайрон қилиб, шимол томонга тез силжиб борди.

Ҳозирги пайтга келиб Жанубий Ливаннинг ҳамма қисми ёки мамлакат территориясининг қарийб бешдан бир қисми босиб олинди. Бир вақтлар яшнаб турган ўлка вайронга айлантирилди. Вахшиёна бомбардимон қилиш ва тўпга тутиш натижасида неча ўнлаб қишлоқлар ва Фаластин қочоқларининг кўпдан кўп лагерлари ер билан яксон қилинди. Тинч аҳоли ўртасида кўплаб кишилар қурбон бўлди.

Босқинчиларнинг шафқатсизлигидан далолат бериб турувчи лоақал қуйидаги фактни олиб кўрайлик: Исроил десантчиларининг бир группаси Тир шаҳри атрофида қочоқлар тушган бир неча автобуснинг йўлини тўсди. Улар автобусларидаги ҳамма кишиларни, шу жумладан ўн кишидан иборат оилани бемайлихотир рўпарадан туриб отиб ташлашди. Ливанликлар ва фаластинликлардан 265 мингдан зиёд киши бошпанадан маҳрум бўлиб қолди.

Ҳозирги вақтда исроиллик босқинчилар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг резолюциясини назар-писанд қилмай, ўзгалар юртида ҳукм сурмоқдалар. Ана шу резолюция агрессорнинг қўшинларини Ливандан дарҳол олиб чиқиб кетишни талаб этади.

Исроил араб мамлакатларидан учтаси территориясининг бир қисмини ишғол қилган эди. Эндиликда Ливан территориясининг бир қисмини босиб олган Исроилнинг суверен давлатга қарши очиқдан-очиқ агрессия қилганлиги яққол кўриниб турибди. Бундан кузатилган мақсад — фаластинлик араб халқининг қонуний ҳуқуқларини таъминлаш учун мардона кураш олиб бораётган Фаластин қаршилик ҳаракатини тугатишдан, Яқин Шаркда чинакам адолатли ва мустаҳкам тинчлик ўрнатиш йўлидаги барча тадбирларни барбод этишдан иборат.

Яқинда Тель-Авив атрофида фаластинлик партизанлар группаси билан Исроил армияси бўлинмаси ўртасида тўқнашув бўлган эди. Ана шу тўқнашув ҳеҳаткорлик билан Ливанга ҳужум қилиш учун бир баҳона бўлди. Ана шу можародан Ливанга қарши агрессия қилиш учун фойдаланилганлигининг боиси нима?

Исроил Ливаннинг жанубий қисмини ишғол қилиш ва Фаластин қаршилик ҳаракатига зарба бериш учун «қулай пайт» келишини кўпдан бўён кутар эди. Аммо Исроилнинг енгилмаслиги тўғрисидаги афсонани чиппакка чиқариб қўйган 1973 йил октябрь ойидаги урушдан кейин Тель-Авив бундай ҳужумни ўтказишга журъат эта олмаган эди.

Эндиликда Яқин Шаркдаги вазият ўзгарганлиги натижасида агрессия қилиш имконияти туғилди. Ливандаги ҳозирги воқеалар Миср раҳбарларининг Яқин Шарқ проблемасини араб мамлакатларининг туб манфаатлари ҳисобига таслимчилик асосида ҳал этишдан иборат сиёсий йўли билан бевосита боғланган. Садат Тель-Авив билан сепарат музокаралар олиб бориш йўлига ўтиб, араб давлатларининг ягона фронтига нифоқ солди, Миср ва Исроил ўртасидаги ҳарбий ҳамкорликнинг ҳаҳонда ҳаҳонга ҳаҳонга ҳаҳонга

АХБОРОТ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

Нуттиз миллионинчи пассажир

Наманганда троллейбус қатнови йўлга қўйилганига беш йил бўляпти. Ана шу вақт ичида шаҳарда янги депо барпо этилди ва троллейбус линияси 55 километрдан ошиб кетди. Троллейбус парки коллективи пассажирлар ташиш юзасидан белгиланган биринчи квартал планини муддатидан илгари бажарди. Наманганда троллейбус қатнови йўлга қўйилгандан буён 30 миллиондан ортиқ пассажирга хизмат кўрсатилган. 30 миллионинчи пассажир — шаҳар алоқа тармоқлари корхонасининг ишчиси Ленин ордени нававрн Нурмамат Нажмиддинов бўлиб чиқди.

Т. НАЗИРОВ.

Йўловчиларга қулайлик

Сирдарё областининг марказий — Гулистон шаҳри кўчаларида белгиланган маршрутлар бўйлаб қатнайдиган таксилар пайдо бўлди. Ҳозирча бу янги машиналар шаҳар темир йўл вокзали билан область касалхонаси оралиғига ҳаракат қилмоқда. Йил охиригача таксилар сони янада кўпаяди. Шаҳарда транспорт хизматининг яна бир қулай тури пайдо бўлганидан гулистонликлар гоят мамнун бўлишмоқда.

А. УМАРОВ.

Колхозда музей

Пайариқ районидаги Навоий номли колхозда хўжалик ветеранлари ва партия ташкилотининг ташаббуси билан янги музей очилди. Колхознинг ўтмиши, ҳозири ва келажаги ҳақида ҳикоя қилувчи бу музейга ранг-баранг экспонатлар қўйилган.

Л. ЭРГАШЕВ.

Мусобақа ғолиблари

Қорақалпоғистон Автоном Республикасида ўтган йили 1410 кишининг рационализаторлик таклифлари қабул қилиб олинди. Шундан 1304 рационализаторлик, 13 ихтирочилик таклифлари ишлаб чиқаришга жорий қилинди.

Қорақалпоғистон область партия комитети қошидаги илмий-техника тараққиётига ёрдамлашиш Совети, область касаба союзлари Совети ва ВОИР области Совети президиумлари рационализаторлик ва ихтирочилик ишларининг 1977 йил якунларини кўриб чиқиб, мусобақа ғолибларига фахрий ёрлиқлар ва пул мукофотлари беришга қарор қилди. Улар орасида биринчи ўринни эгаллаган Нукус авиакорхонаси, марказлаштирилган юк ташиш автотрестининг 14-автобазаси, 166-қурилиш трестининг механизация участкаси, «Узсельхозтехника»нинг Нукус ремонт заводи бор.

Чимбой ёғ заводи ишлаб, фахрий ёрлиқ ва 150 сўм пул, Ленинобод районидаги «Тошкент» совхози ишлаб, фахрий ёрлиқ ва 100 сўм пул мукофоти билан тақдирланди.

Тахиатош ГРЭСи, Қорақалпоғистон электр тармоқлари корхонаси, Хўжайли йўл ремонт-қурилиш бошқармаси, 12-қурилиш трестининг 1-механизациялашган кўчма колоннаси, «Узсельхозтехника» Хўжайли район бирлашмаси коллективлари мусобақада иккинчи ўринни эгалладилар.

Р. ЕШИМБЕТОВ.

СЎНМАС У КУНЛАР ШУҲРАТИ

ФАҚАТ ОЛҒА

Ғалаба куни яқинлашган сари солдат ва офицерларнинг Улуғ Ватан уруши фронтларида кўрсатган жасорати кишн кўз ўнгида яна бир бор намоён бўлади. Негаки бизнинг армиямиз Октябрь ғалабларини ҳимоя қилиб, тиш-тирноғигача қуроллланган немис-фашист газандаларга қақшатқич зарбалар берди ва наровардида уруш ғалаба қозонди. Бу ғалаба осонликча қўлга киритилгани йўқ. Шу ҳақда ўйлар эканман, Улуғ Ватан урушининг энг қизғин дамларида содир бўлган воқеалар, қонли тўқнашувлар ёдимга тушади.

...1945 йил қирчиллама қиш пайти. Қор белга етади, сув музлаган, ер метиндек қотган. Осмон сидирга булут билан қопланган. Бунинг устига қуюқ тумандан яқинлаги кишини ҳам кўриб бўлмайди.

Қўшиналримиз Польшани фашистлардан тозалаб чегаралан Германияга ўтмоқдалар. Ўшанда генерал-полковник Василий Иванович Чуйков қўмондонлик қилган 8-гвардиячи армияда доиг татрган генерал-майор Панков дивизияси Одер дарёсини кечиб ўтиши керак эди. Одер Германиядаги улкан дарёлардан ҳисобланади. Яхшиям худди ўша пайтда дарё суви музлаган. Бундай қарашда муз устидан бемалол юриб ўтса бўларди. Барча бўлинмаларга буйрук берилган

Дивизиямиз Одерни Кюстрен билан Франкфурт (Одер бўйидаги Франкфурт шаҳри) ўртасидаги Вуден қишлоғи районидан кечиб ўтиши керак эди. Қишлоқ фашистларнинг мустаҳкам таянч пункти ҳисобланарди. Душман қолган-қутган қисмларини тўплаб, ана шу қишлоқда мустаҳкамланиб, қарши ҳужумга тайёргарлик кўраётган эди.

Душманнинг плани барбод бўлди Дивизиямиз кутилмаганда ҳужумга ўтиб, Вуденга бостириб кирди. Гитлерчилар чекинишга мажбур бўлишди. Биз Одерга ташландик. Муз қатламларига урилиб, яхлит муз парчаларини баландга ирғитаётган снаряд ва бомбаларнинг гумбирлаши даҳшатли эди. Бизнинг гвардиячиларимиз дарё устида шиддат билан олдинга силжимоқда. Улар душманнинг дўлдек ёғдираётган ўқлари остида қирғоққа кўтарилишди. Ҳадемай, дарёнинг нариги қирғоғида Қизил байроқ ҳилпирай бошлади. Лекин нарироқда фашистлар ўз истеҳкомларини мустаҳкамлаб олган эди. Энди олға силжиш қийин, эс-эсилар ҳар бир қарич ер учун ҳар қанча қурбон беришга тайёр. Чунки, бу ердан фашизм уяси — Берлин 55-60 километр келади, холос.

Ўшанда қулаб тушган саноатлар ичидан ёшгина сариқ мўйловли учувчи унтер офицер икки қўлини кўтариб, мен командирлик қилган батальон эгаллаб турган позицияга кела бошлади. Унинг зангори кўзлари жиққа ёшга тўла эди.

— Гитлер капут, вайна капут! — деди у жовдираб. — Немис вайна не хочеть. Унтер рус тилини сал-пал билар экан. Уни сўроқ қилдик. Гитлер фронт чизиғига Гиммлерни, Герингни юборибди. Ўз қўшинларига бир қарич ҳам чекинмасликка буйрук берган. Иккаласи яқиндагина шу ерга келиб кетган экан. Фашистлар қўшинларимизни Одер дарёсида қонга беламоққа тайёргарлик кўришаётган экан.

— Гитлернинг хаёли пуч! — дейишди. ҳалиги учувчини ўраб олган жангчиларимиз. — Биз уни, барча гитлерчиларни Берлинда гўрга тиқамиз.

Фашистлар қарши ҳужумга ташланди. Лекин уларнинг ҳар галги ҳужуми муваффақиятсиз чиқаверди. Биз қаричма-қарич олдинга силжидик. Жанг қизғин тус олган бир пайтда дивизиямизнинг олдинги қисмлари вақтинча тўхташга мажбур бўлишди. Немислар 0,735 белгили тепаликда мустаҳкамланиб олиб, қисмларимизни тўхтовсиз ўққа тута бошлади. Ушанда дивизия командири мени ҳузурига чақириб, жанговар буйруқ берди:

— Капитан Умаров, — яна бир муҳим топшириқни бажариб берасиз: 0,735 белгили тепаликдан эс-эсчиларни ҳайдаб чиқаришни батальонингиз зиммасига юклаймиз.

— Топшириқ шараф билан бажарилади, ўртоқ генерал! — дедим.

Батальонни зудлик билан жанговар ҳолатга келтирдим. Қоронги тушиши биланок тепалик томон тез, лекин шарпасиз эмаклай бошладик. Эс-эсчиларнинг биринчи траншеясига юз метрча қолганда разведкачилар группасига имо қилдим. Йигитлар душман окопларн томон интилишди.

— Ўт очиш нуқталарида қоровул пулемётчилар турибди, бошқалари пистирмаларда ётишибди, — деб рапорт берди разведкачилар ротасининг командири лейтенант Мальцев. — Фурсатни ўтказмай, тезроқ босиб борсак — ютамиз.

Мен дарҳол команда бердим: — шовқин-суронсиз олға! Овоз чиқарилмасин!

Тим қоронги, одам-одамни яқин орадан ҳам кўриб бўлмайди. Гвардиячилар немис траншеяси ёнгинасига бориб, таққа тўхташди.

— Бирин-кетин траншеяга ташланинглар! — деган команда берилди. Орадан 10—15 минутлар вақт ўтар-ўтмас немис траншеяси эгалланди. Гитлерчи соқчилар қўлга олинди, уларнинг ўрнига немис кийимлари кийдирилган соқчиларимиз постга қўйилди. Разведкачилар фашистларнинг иккинчи траншеяси томон силжишди. Биринчи траншеяда қолган икки рота жангчилари эса пистирмаларга бостириб кириб, эс-эсчиларни ётган жойида босиб олишди. Довдираб қолган фрнцлар бақириш-га ҳам улгуришмади.

Батальонимиз бўлинмаларн кечаси соат тўртларда тепаликни катта йўлдан кесиб қўйдилар. Фашистлар қуршовда қолди. Тонг ёришди, то кеч киргунча позиция батальон қўлида ушлаб турилди.

Қуёш уфққа бош қўйди. Теварак-атроф қоронғиликка чўмди. Батальонимиз қуршаб олинган душманни қўлгина танк ва ўзиюрар тўпларн билан бирга тунда таслим бўлишга мажбур этди. Мардонавор жанг қилган лейтенант Мальцевга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди. қолган разведкачилар СССР орден ва медаллари билан мукофотландилар.

Мен батальон командири эдим ўшанда. Келгуси куни жанглар билан яна олга силжидик... Рейхстаг қуббалари олисдан кўзга чалиниб турарди. Ўша жанг тафсилотни эслаганимда барча қуролдош дўстларим кўз ўнгимда бирма-бир гавдаланади.

Ҳа бизнинг шавкатли Қуролли Кучларимиз ана шундай жасоратли йигитларн барпо этилади ва тарбиялаб-ладн. Улар билан ҳақли равишда фахрлансак арзийди.

Шодмон УМАРОВ.
истеъдодли полковник, Совет Иттифоқи Қаҳрамони.

Қўчат экинг, боғ қилинг

Реклама ва эълонлар

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 30/III да **Улин малика ва етти баҳодир ҳақида** эртак (12.00), **Аида** (19.00). 31/III да **Этик кийган мушук** (12.00), **Жизель** (19.00). 1/IV да **Катта концерт** (13.00 да, билетлар сотилган), **Севилья сартароши** (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 30/III да **Олтин девор** (12.00), **Кўрмайин босдим тиконни** (19.00). 31/III да **Келинлар қўзғолони** (12.00), **Саҳро тор** (19.00).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 30/III да **Шаҳзода ва етим қиз** (12.00), **Қўлга тушмаган ўғрини** (19.30). 1/IV да **Шаҳзода ва етим қиз.**

Кино

САНЪАТ САРОЙИ — **Қасоскор** (катта зал, кундуз ва кечқурун).

Қасоскор — «ЧАЙКА» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (12, 16, 18.30), «МОСКВА» (11, 14, 17, 20.00), «ДРУЖБА» (10, 11, 12.30, 14.30, 16, 17.30, 18.30, 20, 21.00), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (11.15, 13.30, 16, 18.30, 21.00), «НУКУС» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00), «ВОСТОК», «ҚОЗОГИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Тақдир — «ТИНЧЛИК» (12.30, 15.30, 18.30, 21.15).

Ун нинн стул — «ИСКРА» (19.30).

●

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ В. Д. ЖУРИН НОМИДАГИ ЎРТА ОСИЕ ИРРИГАЦИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

қуйидаги ихтисослар бўйича 1978 йил учун

АСПИРАНТУРАГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун: автоматик бошқариш, технология жараёнларини регулировка қилиш ва бошқариш, гидравлика ва инженерлик гидрологияси, қурилиш материаллари ва буюмлари, мелиорация ва суғориладиган деҳқончилик;

ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун: гидрогеология, инженерлик геологияси, гидравлик машиналар, гидравлика ва инженерлик гидрологияси, қурилиш материаллари ва буюмлари, гидротехника иншоотлари, қурилиш технологияси ва уни ташкил этиш, мелиорация ва суғориладиган деҳқончилик, экономика, халқ хўжалигини бошқариш ва планлаштиришни ташкил этиш, автоматик бошқариш, технология жараёнларини регулировка қилиш ва бошқариш.

АРИЗАЛАР 1 АПРЕЛДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНА БОШЛАЙДИ.

Кириш имтиҳонлари олий ўқув юртлари учун белгиланган программа ҳажмида 1 сентябрдан бошланади (КПСС тарихи, чет тили, махсус фан).

Ариза ва ҳужжатлар директор номига қуйидаги адресга юборилсин: Тошкент шаҳар, ГСП, Я. Колос кўчаси, 24-уй.

●

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИНИНГ АБОНЕНТЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЭНЕРГЕТИКА ВА ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ МИНИСТРЛИГИ 1977 ЙИЛ 23 ДЕКАБРДАН БОШЛАБ МИНИСТРЛИК АТСИ АБОНЕНТЛАРИ 326 ВИЛАБ БОШЛАНАДИГАН БЎЛГАНИНИ ЭСЛАТАДИ.

Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлигининг АТСига боғланиш учун олдин 326 сўнгра министрлигининг ички телефон номерлари терилади.

СПРАВКАЛАР ОЛИШ УЧУН 32-67-27 ТЕЛЕФОНИ ОРҚАЛИ МУРОЖААТ ҚИЛИШ МУМКИН.

Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

ЧИМ ХОККЕЙ:

УЧИНЧИ ҒАЛАБА

Тошкент яқинидаги «Қибрай» спорт комплексида Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети совғини учун ўтказилаётган Бутииттифоқ турнири мусобақаларининг учинчи куни қизиқарли ўйинлар бўлди. Бу гал «Андижанка» қизлари Ленногорскнинг «Енбек» коллективини қабул қилиб (2:0) 3-ғалабага эришдилар. Тошкентнинг «Университет» командаси Новосибирскнинг «Энергия» хоккейчилари билан учрашиб, биринчи ютуққа эришдилар. Вакилларимиз даровозага учта тўп йўллашга муваффақ бўлишди. Москва жисмоний тарбия институти талабалари Олмаотанинг республика олий спорт маҳорати мактаби ёшлари билан куч синашдилар. Бу ўйинда пойтахтликлар 1:0 ҳисобида устун келдилар.

СУЗИШ:

БЎЛАЖАК ОЛИМПИАДАЧИЛАР БАҲСИДА

Ленинград ва Харьков шаҳарларида катталар ва ўсмирлар ўртасида «Комсомольская правда» газетаси совғини учун ўтказилган халқаро мусобақалар ниҳоясига етди. Сузиш йўлкаларида баҳслашган республикамиз вакиллари дуруст натижалар кўрсатиша олмади. Ленинградда 200 метрга брасс усулида сузган Т. Подмарев бешинчи ўрин билан кифояланган бўлса, 4х100 метрга эстафетали сузиш бўйича Тошкентнинг СКА-1 ва СКА командалари еттинчи ўринда қолдилар. Харьковда эса ўсмирлар бирмунча яхши иштирок этишди. Жумладан, 100 метрга эркин усулда сузган А. Агибалов билан 200 метрга чалканча сузган А. Калинников фахрли учинчи ўринни эгаллашди. Мусобақа кезлари мутахассислар иқтидорли спортчиларни кўз остига олдилар. Ғолиблар олдида йирик мусобақалар турибди. Улар Ленинградда ГДР сузувчилари, Остин шаҳрида АҚШ терма командаси ва Оттазада канадаликлар билан ўтказиладиган халқаро учрашувларда ўз маҳоратларини ишга соладилар. Бундай ўзига хос синовлар бўлажак олимпиадачиларни саралаш имконини беради.

ХОККЕЙ:

ОЛТИН ШАЙБА СОВРИНИ

Ижевск, Новосибирск ва Ленинградда «Олтин шайба» клуби совғини учун болалар ўртасида Бутииттифоқ финал мусобақалари давом этмоқда. Республикамиз вакиллари Новосибирскда куч синашяптилар. Тошкентнинг «Сўғдиёна» командаси навқирон хоккейчилари учрашувларни муваффақиятли ўтказишмоқда. Улар Пенза область чемпионларини 10:1, кучли коллективлардан хисобланган Латвия командасини 13:3 ҳисобида ютиб, мухлислар эътиборини қозондилар. И. Агаев эса даровозага саккиз марта шайба йўллаш билан кучли ҳужумчилар қатоидан жой олиб турибди.

Тошкентнинг «Бинокор» командаси чемпионатнинг сўнгги учрашувларини ҳам ўтказди. Хоккейчиларимиз Челябинскнинг «Металлург» командаси билан ўйинда (6:2, 6:0) муваффақият қозондилар.

НАЗМ ДАФТАРИДАН

Баҳор келини

Кеча оққа бурканиб
Қулган ўрик — келинчак.
Эгнида қизил нимча,
Ҳилпирар яшил кўйлак.

Кийниб кирчимолдан —
Чиқмиш мева туккани.
Харир либосда яшиаб —
Юришга фурсат қани!

ТОҒЛАР

Олисдаги далаларга
Дарёлаб сув тутарлар.
Бағридаги лолаларга —
Кўкдан эҳсон кутарлар.

Мукаррама МУРОДОВА.

●

Ғўдак

Ғўдак ётар беланчакда,
Нурга талпинади у.
Ҳонам ичра ётилмоқда
Ғўдакдай соф ҳис-туйғу.
Жажжи қўлчаларни чўзиб
Нурни ушламоқ бўлар.
Сўзлашгандек гўё шу дам
Қиқир-қиқирлаб қулар.
Қўшиқ бўлиб туюлади
Шу дам унинг кулгиси.
Тинглаганда ҳар бир аёл
Келар она бўлгиси.
Нурга бўлган меҳринг скра
Сўнмасин, дайман такрор,
Умримга сен ўзинг нурсан
Оналик бахт, шоним бор.
Уйимизда ғўдак бор —
Келажак бор,
Қуёш бор.

Муқаддас АБДУСАМАТОВА.

ҚЎЛИ ГУЛ БОҒБОНЛАР

«Қибрай» мевачилик-узумчилик совхоз-заводи коллективи 2 гектар майдонга шафтоли, 7 гектар ерга олхўри кўчати ўтқазди. Олмазор ва гилоснзорлар 5 гектарданга кенгайтирилади. Йўлларнинг четлари, суғориш иншоотларининг қирғоқларига кўчатлар ўтқазиш, мевали дарахтларга шакл бериш, токларни очиш, ишкомлар ва кўтарни технологик билан олиб борилмоқда.

Бу йил қанча янги боғ, токзор барпо этилиши олдидан режалаб олинди. кўчат ўтқазиладиган ерлар шудгорланиб, ўғитлар билан озиқлантирилди. яхоб берилди запас суғориш ўтказилди. зарур топилган карталарнинг шўри ювилди. Етарли миқдорда мева ва ток кўчатлари тайёрланди. Бунда паст бўйли, серҳосил меваси эрта пишадиган ва узок сақланадиган кўчатлар кўпроқ бўлиши га алоҳида эътибор берилди. Боғбон-соҳибкорларнинг янги отряди тайёрланди.

Маъмурият ва партия ташкилоти ишчи кучлари, техника воситалари. резервларни группаларга бўлиб. ишнинг энг муҳим участкаларига ташлади. Қисқа фурсатда икки гектар майдонга шафтоли 7 гектар ерга олхўри ниҳоллари экилди. Тажрибали боғбонлар ёш ниҳолларнинг ортиқча, синган, қуриган шохларини бутаб ташламоқдалар, ҳосил шохларига шакл бермоқдалар Гилос кўчати ўтқазиш учун 5 гектар. олма кўчати экиш учун ҳам 5 гектар унумдор ер ажратилди.

Биз Тоир Белишаев, Ҳуйдойқул Тишанов бўлимлари, Юсуф Ёқубов. Ёқуб Мирахмедов. Абдуқаюм Дуйсенбоев бригадаларида бўлдик. Уларга қарашли боғлардаги мевали дарахтлар кўчатлар ўтқазиш топшириқлари бажарилай деб колди.

Бундай меҳнат заминида катта маъно ётади. Совхоз-завод коллективи ўнинчи беш йилликнинг учинчи йилида ҳар гектар токзордан 20 тоннадан узум, ҳар гектар боғдан 18 тоннадан мева етиштиришга азму қарор қилган. 120 гектар майдонга ўтказилган супр олма кўчатлари ҳосилга кирганч. мева етиштириш ҳозиргига нисбатан анча кўпайтирилади. Шу йилнинг ўзидагина 7 минг тонна узум, 4200 тонна мева ва 1500 тонна сабзавот махсулотлари тайёрланади.

Бунинг учун шошилиш, бир кунда иккн-уч кунлик дала ишларини бажариш керак. Ленин ордени кавалери Умри Улуғхўжаева бригадасида баҳорги дала ишлари поёнига етказиб қўйилди. Бригада аъзолари ҳар гектар ердан 215 центнердан мева хирмони кўтариш учун курашмоқда. Бригаданинг Гулжон Рустамова. Манзура Жўраева. Анатолий Семёнов Леонора Умметова каби меҳнатсевар аъзолари қулик графикларни анча ошириб бажармоқдалар. Механизаторлардан Ориф Иброҳимов. Яҳё Ёқубов. Ҳусанбой Ҳасановлар янги боғлар ва токзорларга яқин орада сув тараш учун қатор ораларида эгатлар очишмоқда.

Тошкент область Оржоникидзе районининг барча хўжаликларида кўчат ўтқазиш ойлиги тез суръатлар юқори сифат билан олиб борилмоқда. Бу муҳим ишда ишчилар. колхозчилар. зиёлилар. бутун жамоатчилик актив қатнашмоқда

Ю. ЗИЁДОВ.
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

Академик Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Тошкент мева-кўчат совхози фақат пойтахт областигагина эмас балки Жиззах, Сирдарё областларига ҳам мевали, манзарали дарахт кўчатлари ва узум ниҳолларини кўплаб жўнатмоқда. Суратларда: 1. Жўнатишга ҳозирланган кўчатлар саралаётир. 2. Совхознинг миришкор боғбони. Тожимат Ҳусанов дарахтларга шакл бермоқда. 3. Ҳашаротларга қарши дори сепиш.

А. Тўраев фотолари.

КОНКУРСГА МАРҲАМАТ

ТЕАТР ҲАҚИДАГИ ЭНГ ЯХШИ МАҚОЛАЛАР ҲУЧУН

Ўзбекистон Театр жамияти ва республика Журналистлар союзи театр санъати ва драматургия масалаларига бағишланган энг яхши мақолалар, шунингдек театрларда саҳналаштирилган спектакларга ёзилган тақризлар учун конкурс эълон қилди. Ўзбек совет театри ютуқларини кенг пропаганда қилиш. театр танқидчилиги, театр санъати ва драматургия масалаларига бағишланган материалларнинг савиясини янада юксалтириш конкурсдан кутилган асосий мақсаддир.

Конкурс шу йилнинг мартидан 1979 йилнинг июль ойигача бўлган муддатда ўтказилади. Унга 1978 йил 1 мартдан 1979 йил 5 июлгача бўлган даврда республика газета ва журналларида эълон қилинган мақола ва тақризлар қабул қилинади.

Бу ижодий мусобақала театр танқидчилари, санъатшунослар, музикашунослар, театршунослар, хореографчилар, ёзувчилар, драматургларр, журналистлар, театр санъати намояндаларн қатнашишлари мумкин.

Энг яхши ишларнинг авторлари Ўзбекистон Театр жамияти ва республика Журналистлар союзининг дипломлари, фахрий ёрлиқлар, шунингдек, пул мукофотлари билан тақдирланадилар.

Конкурс жюриси составида Ўзбекистон Театр жамияти ва республика Журналистлар союзининг вакиллари, таниқли санъатшунослар бор.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Политехника институти ректорати, партия ва жамоат ташкилотлари химия-технология факультети декани Ўринбосари, химия фанлари кандидати, органик химия кафедрасининг доценти Қ. М. Аҳмеровга отаси

Мифтоҳмақсум АҲМЕРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Тошкент Давлат медицина институти гигиена кафедраларининг коллективлари коммунал гигиена кафедрасининг мудири, профессор Т. И. Искандаровга онаси

Мукаррам ИСКАНДАРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз

Телевидение

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.35 — Гимнастика. 9.55 — «Флиппер» (бадиий фильм, 7 ва 8-серия). 10.45 — Болалар учун концерт. 11.10 — «Бу ҳаммаси унинг ҳақида» (бадиий фильм, 6-серия). 12.15 — ВЛКСМ XVIII съезди олдидан. 15.00 — Ҳужжатли фильмлар. 15.35 — СССР халқларининг қўшиқ ва рақслари. 16.05 — «Шахмат мактаби». 16.35 — «Китоб сенинг ҳаётингда». 17.05 — «Инкро этилмаган роль» (спектакль, 1-қисм). 18.30 — Янгиликлар. 18.40 — «Миллионлар ленинча университети». 19.10 — Концерт. 19.25 — «Иттифоқдош республикалар Конституцияларининг лойиҳаси тўғрисида». 19.40 — «Садоқат синовн» (бадиий фильм). 21.30 — «Вақт». 22.00 — «Сизнинг фикрингизча». 23.25 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Мультфильмлар. 11.55 — «Қизил асаларилар» (бадиий фильм). 13.05 — «Қиролнинг дилхуши» (телетеатр). 18.00 — Мультфильм. 18.20 — ВЛКСМ XVIII съезди олдидан. 18.50 — «Ишга туширилаётган объектлар». 19.05 — «Ахборот». 19.20 — Ўзбекистон ССРнинг янги Конституция лойиҳаси умумхалқ муҳокамасида (рус тилида). 19.30 — «Биз қишлоқда яшаймиз». 20.00 — Футбол бўйича СССР кубоги учун. «Пахтакор» — АСК (Киев). 20.50 — «Ахборот». 21.10 — Кинофильм. 21.30 — «Вақт» (Москва). 22.00 — «Осиловнг, баланд дорга осил» (бадиий фильм, 2-серия). 23.05 — Япония ва Ўзбекистон терма командаларининг самбо кураши бўйича халқаро учрашуви.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — Француз тилида сўзлашишга ўрганинг. 19.30 — Бизнинг бош мухбирларидан. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Фильм-концерт. 21.05 — Телефильм.

Радио

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Концерт. 9.30 — Ўзбекистон ёш композиторларининг концерти. 10.30 — «Сахий ер». 11.15 — Ўзбекистон ССР Конституцияси лойиҳаси тўғрисида. 11.30 — Концерт. 12.00 — «Ўзбекистон ишчиси». 13.00 — «Беш йиллик идорлари» (радиохроника). 13.30 — Кинофильмлардан куйлар. 14.00 — «Илғор тажриба мактаби». 16.10 — Ўзбекистон композиторларининг ижоди. Э. Солиҳов. 18.00 — Радиоочерк. 18.10 — Ўзбек куйларидан концерт. 19.00 — Саломатлик — туман бойлиги. 19.10 — «Ишлик». 20.25 — Татар куйлари. 21.00 — Концерт. 22.00 — Экран куйлари. 22.30 — Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларида. 22.40 — «Замондошларимиз». 23.20 — Мақом кечаси.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000, ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-79-14, 32-53-05, 33-06-83, 32-55-04; масъул секретарь — 33-44-55, 32-55-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70; халқаро ҳаёт — 32-54-18; саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-26; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22; коммунистик тарбия — 32-54-29; стенографистлар — 33-73-43, 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ — Тошкент — 32-53-29. Самарқанд — 3-19-72. Сирдарё — 55-23. Хоразм — 51-24. Бухоро — 3-31-42. Қашқадарё — 38-42. Фарғона — 4-20-84. Наманган — 6-79-92. Андижон — 4-48-85. Жиззах — 31-66. ҚҚАССР — 2-42-62. Справка олиш учун — 33-02-92.

Р. 07536. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Д. — 73.